

# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
буюк  
давлат

№ 18-19

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2006 йил 28 январь, № 18-19 (3818)

Шанба



Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида "Намунали милиция таянч пункти" кўрик-танлови республика босқичи бўлиб ўтди. Тадбирда сўзга чиққанлар Юртбошимиз ташаббуси билан суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар бугун ўз самарасини бераётганлигини таъкидладилар.



## Маҳалланинг мустаҳкам таянчи

Аҳоли тинчлигини таъминлашда ҳуқуқ тартибот идоралари ходимлари, маҳалла фаоллари ва кенг жамоатчиликнинг ҳамкорлиги ўз самарасини бермоқда. Айни шу саъй-ҳаракатлар натижасида ўтган йили 2143 та маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир этилмади. Қотиллик, босқинчилик, безорилик, талончилик, ўғрилик каби оғир турдаги жиноятлар сезиларли даражада камайди. Унга кўра, Тошкент вилояти Зангиота тумани "Янги ҳаёт" маҳалласидаги 133, Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани "Шарқ юлдузи" маҳалласидаги 6, Бухоро

вилояти Ромитан тумани "Боғи туркон" маҳалласидаги 97, Қашқадарё вилояти, Муборак тумани "Тонг" маҳалласидаги 274-милиция таянч пунктлари биринчи ўринга муносиб деб топилди. Голибларга биринчи даражали диплом ва "Дамас" автомобиллари тақдим этилди.

Танловда бошқа кўплаб номинациялар голибларига ҳам мукофотлар топширилди. Тадбирда Бош вазир ўринбосарлари С. Иномова ва Р. Қосимов иштирок этди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,  
"Халқ сўзи" мухбири,  
Р. ГАЛИЕВ  
олган суратлар.

### Давра суҳбати

Мамлакатимиз демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидан дадил илгариллаб бормоқда. Киска давр мобайнида мамлакатимизда мураккаб янги сиёсий тизим вужудга келди. Фуқароларнинг сиёсий оғни ва тафаккурида, дунёқарашида жиддий

## САЙЛОВ ҲУҚУҚИ

уни таъминлаш кимларга боғлиқ?

Кунги кеча Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва прокуратура органларининг фуқаролар сайлов ҳуқуқларини таъминлаш борасида тугган ўрни" мавзусида ўтказилган давра суҳбати ҳам жамиятнинг ислохот эши ва демократлаштириш йўлидаги хайрли тадбирлардан бири бўлди. Уни республика Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов бошқарди. Зеро, демократик, эркин ва адолатли сайловларни ўтказиш фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлаш борасида олиб бориладиган ишларнинг муваффақиятига ҳам боғлиқдир. Марказий сайлов комиссияси, прокуратура, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўтган сайловлар даврида бу йўналишда кўплаб амалий ишлар қилинди. Давра суҳбатида комиссия аъзолари ортирган иш тахрирлари билан ўртоқлашдилар. Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, хусусан, прокуратуранинг фуқаролар сайлов ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги роли ҳақида ҳам фикр юритилди. Айниқса, фуқароларнинг сайлов жараёнида иштирок этиши, сиёсий ҳуқуқларни бузганлик учун жавобгарлик масалалари қизгин мунозараларга сабаб бўлди.

Давра суҳбати савол-жавоб, эркин фикр алмашуви рўйида ўтди.

Ўз мухбиримиз.

## ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

Мамлакатларнинг ўз зиммаларидаги халқаро-ҳуқуқий мажбуриятлари бажаришлари ҳамда ўз ҳуқуқларини амалга оширишларининг самарали воситаларидан бири миллий қонун ҳужжатларига халқаро нормаларни сингдириш бўлиб, бу иш халқаро-ҳуқуқий нормалар миллий қонун ҳужжатларига татбиқ этилишини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий ҳаракатлари тизимида тўла мужассам топди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинг институти ва Тошкент давлат юридик институти билан биргаликда ташкил этилган семинар-тренинг айни шу масалага — "Халқаро нормаларнинг миллий қонун ҳужжатларига сингдирилиши-

ни таъминлаш" мавзусига бағишланди.

Иштирокчилар таъкидлаб ўтганларидек, бугунги кунда мамлакатимиз томонидан кўплаб халқаро шартномалар имзоланган. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида қабул қилинган битимларни ҳисобга олганда, Ўзбекистон 160 дан ортиқ кўп тарафлама шартномаларга қўшилган. Хорижий мамлакатлар

билан икки тарафлама асосда бир неча минг шартнома, шу жумладан ҳуқуқатлараро ва идоралараро шартномалар тузилган. Ўзбекистоннинг халқаро алоқалари кенгайиб, турли соҳаларда ҳамкорлик чуқурлашиб бораётганлиги мамлакатимиз қонун ҳужжатларига халқаро ҳуқуқий нормаларни сингдиришнинг аҳамиятини ошириб, бу жараёни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Анжуманда халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонун ҳужжатларида мужассам топтиришнинг, мазкур жараён устидан мунтазам мониторинг олиб борилишини ташкил этишнинг назарий ва амалий масалалари кўриб чиқилди. Тадбирда сўзга чиққанлар бу соҳанинг тур-

ли қирраларига эътиборни қаратдилар. Халқаро нормаларни миллий қонун ҳужжатларига сингдириш тўғрисида қонун ишлаб чиқиш, бундай нормаларни қонун ҳужжатларимизга татбиқ этишнинг самарали ва таъсирчан механизмини яратиш, қонунни чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ўртасида бу соҳада ўзаро ҳамкорлик ҳамда уйғун ҳам-жиҳатликни такомиллаштириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Семинарда сенаторлар, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирликлар ва идораларнинг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакиллари, етакчи ҳуқуқшунос олимлар, мутахассислар ва экспертлар иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.

## КАСАНАЧИЛИКНИ Қўллаб-қувватлаш

нафақат аҳолини иш билан таъминлашда, балки мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда ҳам муҳимдир

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга устувор вазифа сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг шу йил 5 январдаги "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўрсатиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда ҳукуматнинг тегишли қарори бунинг яна бир ёрқин далилидир. Зеро, мазкур ҳужжатларни ҳаётга татбиқ этиш орқали бир қатор вазифа-

ларни рўйбга чиқариш кўзда тутилган. Хусусан, иш билан банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқаришга жалб қилиш, оила бюджети даромадларини кўпайтириш, уй меҳнатидан фойдаланган ҳолда бутловчи қисмлар, тайёр махсулотларнинг ички турларини ишлаб чиқариш ва бати бир хизматлар кўрсатишни ташкил этиш йўли билан йирик саноат корхоналари фаолиятини самарадорлигини оширишга эришиш мумкин.

Шунингдек, ҳукумат қарори билан бирга касаначилик тўғрисидаги Низом ҳам тасдиқландики, у республикада касаначиликни ташкил этиш шартларини, шунингдек, касаначилар билан меҳнат шартномаларини тужибелгайди.

### Фармон ва ижро

Фармон ва қарорнинг қабул қилиниши, яъни йирик саноат корхоналари билан касаначилар ўртасида кооперация алоқаларининг мустаҳкамлашиши, уларда кўрсатиб ўтилганидек, оила бюджетининг даромадларини ошириш-дедим муаммосини ҳал этиш, иш билан банд бўлмаган аҳоли сонини кескин қисқартириш ва унинг фаол қисмини ишлаб чиқаришга жалб этиш имконини беради.

Уз-ўзидан "Касаначилик аслида нима?", "Қандай қилиб бу турдаги фаолият

мамлакат иқтисодиётига ўз хиссасини қўшиши мумкин?" деган ҳақли саволлар туғилиши мумкин. Келинг, бунга изоҳ бериб ўтайлик.

Касаначилик — 16 ёшдаги ва ундан катта ёшдаги (агарда касаначилик хусусияти касаначи билан тўлиқ яқка тартибдаги моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилиши зарурлигини талаб этса, 18 ёшдаги) жисмоний шахс, яъни касаначи томонидан иш бевуричи билан шартно-

(Давоми 2-бетда).



жалари тўғрисида, соҳага оид сизни қизиқтирган касба саволларингизга «Халқ сўзи» ҳамда «Народное слово» газеталари тахририяти ташаббуси билан уюштирилган бевосита мулоқотда

## Бевосита мулоқот СИЗНИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИ ЭШИТАДИ

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг таркибий қисми бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармони, Президентимизнинг 2005 йил 25 ноябрдаги «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 227-сонли Қарорини амалга ошириш тадбирлари, ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган ва халқ таълими ходимлари касб маҳоратини доимий оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг натижасида «Халқ сўзи» ҳамда «Народное слово» газеталари тахририяти ташаббуси билан уюштирилган бевосита мулоқотда

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Туробжон ЖўРАЕВ жавоб беради.

Бевосита мулоқот шу йил 31 январь куни соат 10.00 дан 12.00 гача 139-17-35, 136-36-36 телефонлари орқали ўтказилади.

Вазирга бермоқчи бўлган саволларингизни олдиндан тахририятнинг 132-12-08 телефониға ёки 136-37-85 факсига, шунингдек, info@xs.uz электрон почта манзилига юборишингиз мумкин.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

24-27 январь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

"Кредит уюшмалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси тўғрисида Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг аъзоси А.Эрдонаев маъруза билан сўзга чиқди. Сиёсий партиялар барча фракцияларининг вакиллари иштирок этган моддама-модда муҳокама чоғида мазкур ҳужжатни янада такомиллаштиришга доир таклифлар кўриб чиқилди. Кирилган тузатишларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди.

"Тадбиркорлик субъектларини текширишлар сони қисқартирилганлиги ҳамда текширишлар тизими такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг аъзоси Н.Аҳмаджонов тақдим этди. Савол-жавоблар ва ҳужжатнинг моддама-модда муҳокамасидан кейин депутатлар Қонунни қабул қилдилар.

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг аъзоси А.Алимов "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун рўқсат бериш тартиб-таомиллари турлари қисқартирилганлиги ҳамда соддалаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳақида ахборот берди. Ҳужжатнинг ҳар бир моддаси кўриб чиқилаётганда киритилган таклифлар ва билдирилган мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Қонун қабул қилинди.

Саноат қурилиш ва сав-

до масалалари қўмитаси И.Кочмарикнинг маърузаси бўйича депутатлар Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва Сенати томонидан рад этилган "Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида"ги Қонун юзасидан келишмовчиликларга барҳам бериш учун келишув комиссияси тузиш масаласини кўриб чиқдилар. Муҳокамадан кейин комиссия таркибига Қонунчилик палатасининг уч нафар депутатини сайлаш ва келишув тартиб-таомилларида қатнашиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг вакилини таклиф этишга қарор қилинди.

"Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида Шартномани (Москва, 2005 йил 14 ноябрь) ратификация қилиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг раиси М.Тешабоев тақдим этди. Ушбу лойиҳани муҳокама қилиш вақтида депутатлар мамлакатимиз хавфсизлиги ва тараққиётини таъминлаш учун Ўзбекистон — Россия ўзаро манфаатли муносабатларини мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар.

Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг раиси М.Тешабоев "ЎУОМ иштирокчи давлатларнинг консуллик масалалари бўйича ўзаро ёрдам кўрсатиш тўғрисида Конвенцияни (Ялта, 2001 йил 7 июнь) денонсация қилиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси тўғрисида ҳам ахборот берди. Савол-жавоблар ва ҳужжатнинг батафсил муҳокамасидан кейин Қонун қабул қилинди.

Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлиси 2006 йил 31 январда давом эттирилади.

Кеча Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасида оммавий ахборот воситалари соҳасига доир қонун лойиҳалари юзасидан давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда қуйи палата депутатлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда тегишли олий ўқув юрталаридан профессорлар ва талабалар иштирок этишди.

## ОАВга ОИД ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИ ИККИНЧИ ЎҚИШГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Давра суҳбатини мазкур қўмита раиси Х. Дўстмухамедов очиб, айни пайтда қўмитада "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида", "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида", "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида", "Оммавий ахборот соҳасидаги иқтисодий муносабатларнинг асослари тўғрисида", "Давлат ҳокимияти органлари фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаларини иккинчи ўқишга тайёрлаш хусусида қисқача ахборот берди.

Шундан сўнг, тадбир иштирокчилари ушбу қонун лойиҳалари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Таклифлар ўртага ташланди. Қизгин ўтган баҳс-мунозараларда халқимиз оммавий ахборот воситаларидан мамлакатимиз ва хорижда содир бўлаётган воқеалар тўғрисида ҳолис ва тезкор ахборотлар олиш, ҳаётдаги долзарб муаммолар хусусида ошкора, тах-

лилий материалларга эҳтиёжманд эканлиги таъкидланди.

Шу ўринда айтиш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизда ҳар бир фуқаронинг, ОАВнинг, журналистларнинг сўз, матбуот ва ахборот эркинлигига дахлдор конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўша мажлисидаги маърузасида оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг мустақиллигини таъминлаш бўйича аниқ ва изчил кўрсатмалар белгилаб берилган. Шу боис, тадбирда ушбу қонун лойиҳаларига матбуот, телевидение, радио фаолиятини янада либераллаштириш, журналистларнинг ахборот олиш ҳақида тарқатиш эркинлигини амалда таъминлаш нормаларини киритиш тўғрисидаги таклифлари катта қизиқиш билан тингланди.

Зиёда АШУРОВА.

# ҚОНУН ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС БЎЛСИН

**Президентимиз Ислам Каримовнинг Олий Мажлис палаталарининг илк қўшма мажлисидаги маърузасида давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги муҳим вазифалардан бири мамлакатимиз парламентининг роли ва таъсирини янада қўлайтириш, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида мутаносиб ва барқарор мувозанатта эришиш лозимлиги алоҳида таъкидланган эди. Бунда ҳокимият ваколатларининг муайян қисмини маҳаллий ҳокимият органларига ўтказишга қаратилган мавжуд қонун ва ҳуқуқий ҳужжатларни бир тизимга келтириш ва янгиликларини ишлаб чиқиш муҳим ўрин тутди.**

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 10 мартда қабул қилинган жамиятнинг демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастури тўғрисидаги қарори аниқ вазифаларнинг бажарилишида муҳим дастуриямал бўлмоқда. Мазкур ҳужжат асосида тасдиқланган махсус концепция асосида тегишли идоралар томонидан илчил чора-тадбирлар амалга ошириляптир. Мавжуд қонунлар юзасидан жамоатчилик фикри ўрганилиб, улар ш асосда такомиллаштириляпти.

Узбекистон Республикасининг 1993 йилда қабул қилинган "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонун юзасидан ўтказилган мониторинг шулардан биридир. Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингинг институтида мазкур мониторинг натижа-

ларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Вазирлар Маъҳасиси, Конституциявий суд, Олий суд, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги масъул ходимлари, Самарқанд, Фарғона, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Мазкур институт директори Ф.Отахонов, "Ихтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директори Р.Убайдуллаева ва бошқалар қонун ҳаёт билан ҳамнафас бўлиши, муҳими, унда фуқаролар манфаати акс этиши лозимлигини таъкидладилар.

Ўтказилган мониторинг ҳам бунга алоҳида эътибор қаратилган. Беш соҳа — халқ депутатлари вилоят, туман ва

## АНЖУМАН Кеча «Экосан» халқаро ташкилоти «Ёшлик» талабалар шаҳарчасининг «Маънавият ва маърифат» марказида «Қадимги Қарши тарихида табиат ва инсон муносабатлари» мавзусида учрашув ўтказди.

### Кўхна шаҳарнинг янги истиқболлари

Маълумки, ўтган йил ёзда Президентимиз томонидан «Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор қабул қилинган эди. Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Узбекистон Фанлар академияси, «Олтин мерос» халқаро хайрият жамғармаси, илмий-тадқиқот институти, олиmlар, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» маркази,

«Ёш экологлар клуби» вакиллари ва Мирзо Улуғбек номидаги Узбекистон Миллий университети талабалари иштирок этган учрашувда мазкур қарорни самарали амалга ошириш масаласи муҳокама қилинди. Шунингдек, анжуман иштирокчилари «Қадимги Қарши шаҳрининг кўп йиллик тадқиқоти натижаларига оид қизиқарли далиллар ҳавола этилди.

«Қадимги Қарши тарихида табиат ва инсон муносабатлари» мавзуси бўйича энг

## АЛЛАНИЯЗ УТЕНИЯЗОВ



Бешафқат ўлим Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси, меҳрибон мураббий ва олижаноб инсон Алланияз Утениязовни орамиздан олиб кетди.

Алланияз Утениязов 1936 йилда Қорақалпоғистон Республикасининг Кегайли туманида таваллуд топди. У 1952 йили Нукус туманидаги Нукус давлат ҳўжалигида оддий ишчи сифатида меҳнат фаолиятини бошлади. 1962 йили Қорақалпоғистон давлат педагогика институтининг чет тиллар факультетини муваффақиятли тамомлагач, ўттиз икки йил давомида Нукус туманидаги 4-ўрта мактабда ёш авлодга инглиз тили фани бўйича сабоқ бериб келди. 1999 йилдан умрининг охиригача тумандаги «Саховат» фермер ҳўжалигига бошчилик қилди.

Алланияз Утениязовнинг эл-юрт олдидаги хизматлари, ибратли ишлари муносиб тақдирланган. У «Ўзбекистон халқ ўқитувчиси», «Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрий унвонларига, «Меҳнат шўхрати» орденига сазовор бўлган.

2001 йили Алланияз Утениязов Ватанимизнинг юксак ва шарафли мукофоти — «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан тақдирланган эди.

Ажойиб мураббий, жонқуяр ўқитувчи, фидоий ва катта инсон Алланияз Утениязовнинг ёрқин хотираси қалбимизда доимо сақланиб қолади.

**И. КАРИМОВ, М. ШАРИФХЎЖАЕВ, Э. ХАЛИЛОВ, Ш. МИРЗИЕВ, М. ЕРНИЯЗОВ, Т. ЖўРАЕВ, Э. БОҚИБОВ, И. ЮСУПОВ.**

## Экскаваторчи Қўшназаровлар

«Исфара-Сирдарё» ирригация тизими бошқармаси Қўқон атроф туманлари, жумладан, Узбекистон, Фуқрат ва Бешарқ туманларини сув билан таъминлайди. Шу билан бирга, ушбу ҳудудлардаги каналлар, унишотлар ва сув омборларини ҳам тасарруф қилади.

Айни кунларда мавжуд сув нишоотларини тозалаш, таъмирлаш ишларида 37 та экскаватор ва 8 та бульдозер жалб қилинган. Улар томонидан кунига 2-2,5 км. атрофида зовур ва каналлар тозаланиб, 8-10 млн кубметр ҳажмда туپроқ ишлари бажариляпти. Бу ишларни амалга оширишда битта экскаваторни навбатта навбат бошқараётган ота-боба Қўшназаровлар ҳамкасарлигида ўрнак бўлишмоқда.

СУРАТДА. экскаваторчи Валижон Қўшназаров.



Тоҳиржон ХАМРОҚУЛОВ олган сурат.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ма асосида иш бевурачининг ишлаб чиқариш ҳўжиди ташқарида, ўз уйида ёки ўзига ёқуд унинг оила аъзоларига тегишли бошқа жойда иш бевурачининг буюртмасига биноан махсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш мақсадида ишларни бажариш билан боғлиқ фаолият ҳисобланади.

Маълумки, қишлоқ жойларидаги кам таъминланган, ижтимоий ҳўмога муҳтож оилаларни иш билан таъминлаш давлатимиз томонидан олиб бориляётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан биридир. Қабул қилинган икки ҳўжжатда ҳам ана шу жиҳатлар ўз аксини топган. Бошқача айтганда, меҳнатнинг бу тури қишлоқ жойларида аёллар, шунингдек, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасида кўрсатилган фуқаролар тоифалари, яъни ижтимоий ҳўмога муҳтож, иш топишда қийналядиган ва меҳнат бозоридан тенг шартларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахслар, шу жумладан, ўн тўрт ёшга тўлмаган ва ногирон болалари бор ёлғиз ота, ёлғиз оналар ҳамда кўп болали ота-оналар; таълим муассасаларини тамомлагани ёшлар; Ўзбекистон Республикаси Куролли Кўчларидан, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қўшинларидан бўшатишганлар; ногиронлар ва пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар; ҳазонли ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суд қарори билан тиббий йўсиндаги мажбурият чораларига тортилган шахслар учун устувор тартибда ташкил этилади.

Касаначилик ишлаб чиқариш соҳасида қийинлар тикиш(алоҳида элементларини), уларни таъмирлаш, матоларни бўш, гиламлар ишлаб чиқариш(гилам махсулотлари), тўқимачилик (иплар, миллий матолар), поёбозлаш тикиш (косибчилик), кўп меҳнат талаб қиладиган қўмақлаштириш операцияларини (турларига ажратиш, тозалаш, қадоклаш), электротехника воситаларини (ахтиёт қисмларини) йиғиш ва бошқа турларда ҳам амалга оширилиши мумкин. Хизмат кўрсатиш соҳасида эса, у машинада териш хизматлари(матнлар ва маълумотларни териш, матнларни тахрирлаш ва ўгириш), ҳисоб-фактураларни тайёрлаш, қонвертларни манзиллаштириш ва тўндириш, почта жўнатмалари ҳамда реклама тайёрлаш, тоамлар тайёрлаш, чорвачилик, паррандачилик ва ҳўказолар бўйича қўлланилиши мумкин.

Корхоналарнинг буюртмаларига касаначилар томонидан фақатгина ишларни бажариш учун зарур ускуналар етказиб бериш, уларга техник хизмат кўрсатиш тизимини ташкил этиш, асбоблар, жиҳозлар, материаллар ва ярим фабрикатлар билан таъминлаш, касаначиларни мажбурий тарзда техника хавфсизлигига ўқитиш ҳамда буюртмачи талаб қилган сифат стандартларига асосида ишлаб чиқарилган махсулотларни ташиб кетиш, бажарилган иш учун ҳисоб-китоб қилиш бўйича корхоналарнинг касаначилар олдидаги қаролат ва мажбуриятлари назарда тутилмаган меҳнат

шартномаси асосида бажарилади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Фармон ва қарор талабларига кўра, касаначиларга кўпгина имтиёз, қўлайлик ҳамда имкониятлар яратиб беришмоқда. Хусусан, корхоналар билан меҳнат шартномасини имзолаган касаначилар ишлаётган аҳоли тоифасига кирядилар. Уларга, ўз навбатида, меҳнат дафтраси берилди. Касаначиларга пенсиялар ва ижтимоий сўгурта бўйича нафақалар тайинлаш пайтида улар ишлаган вақт меҳнат стажига қўшилади. Уларни корхонанинг бошқа ишчилари билан тенглаштириш мақсадида корхона жамоа шартномаси шартла-

## КАСАНАЧИЛИКНИ Қўллаб-қувватлаш

нафақат аҳолини иш билан таъминлашда, балки мамлакат иқтисодийетини ривожлантиришда ҳам муҳимдир

ри касаначиларга ҳам татбиқ этилиши белгилаб қўйилган. Касаначилик фаолияти амалга ошириляётган турар-жойларни яшаш учун мўлжалланмаган жойлар тоифасига ўтказиш талаб этилмаслиги ҳам уларни ортиқча расмийлантириш жараёнидан фориғ этиб, вақтини тежайди.

Албатта, маълум ишлар ва хизматларни бажариш учун касаначиларга асбоб-ускуналар ва бошқа воситалар ҳам керак бўлади. Меҳнат шартномаси асосида корхоналар касаначиларга буюртма бўйича махсулот ишлаб чиқариши ва хизматлар кўрсатишини ташкил этиш учун асбоб-ускуна, жиҳоз ҳамда инвентарларни текин ёки ижара шарти билан бериш, жумладан, лизинг (молиявий ижара) асосида тақдим этишлари мумкин. Лекин фуқароларнинг саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, истеъмолчиларга сифатли махсулот ва хизматлар етказиш мақсадида махсус техника хавфсизлигига айл қилиниши тақозо этадиган, уй шароитида назорат қилиш имкони бўлмаган, кучли тоқ билан ишляйдиган, катта энергия талаб қиладиган, техник жиҳатдан мураккаб ускуналарни, шунингдек, хавфли кимёвий бирикмаларни касаначиларга бериш, ижара ва лизинг асосида тақдим қилиш, улардан уй шароитида фойдаланиш, қонун ҳўжатларида белгиланган фаолиятнинг айрим турларини амалга оширишга лицензия талаб қилнадиган фаолият билан шуғулланиши тақиқланади. Ёнгин хавфсизлигининг белгиланган қоидаларига, санитария ва гигиена нормаларига, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига, шунингдек, касаначиларнинг уй-жой-машиини шартлари хўсусиятларига мувофиқ, касаначиликнинг айрим турларига ёнгин ва санитария инспекцияси, Давлат меҳнат техник инспекцияси руҳсати билангина

йўл қўйилиши мумкин. Касаначилик корхона буюртмасини бажаришда вақтини, ортиқча қўлаб қилиши мумкин бўлган маблағларини тежай мақсадида иш бевурачи ўзининг буюртмасини бажариши учун зарур бўлган хомашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва ярим тайёр махсулотларни касаначига бериш ҳамда уларни етказишни таъминлаш шартлиги, касаначи ҳам, ўз навбатида, буюртмани бажариши учун хомашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва ярим тайёр махсулотларни мустақил равишда сотиб олишга ҳўқик эмаслиги алоҳида белгилаб қўйилган.

Лекин шу билан бирга, корхона томонидан касаначилик касаначилик ишлари амалга оширилядиган хона(уй-жой) учун тўлов харажатлари ҳамда уй-жойдан фойдаланиш харажатлари қопланмаслиги ҳам белгилаб қўйилди.

Бир нарсани очик айтиш керак. Ҳозирги кунда қайси бир фаолият тури бўлмасин, улар, албатта, назорат қилувчи органлар томонидан тежирилди. Фармонда касаначиларга бу борада ҳам арқинлик бериляётгани эътиборлидир. Яъни, уларнинг фаолияти фақатгина буюртмачи-корхона қўнунчиликда ўрнатилган тартибда назорат қилувчи органлар томонидан

текширилгандагина амалга ошириляди. Бошқа ҳўллорда эса, ушбу органлар томонидан касаначиларнинг ортиқча вақтини олиб, иш унумдорлигини туширишга йўл қўйилмади.

Қабул қилинган ҳўжжатга кўра, фақат касаначиларга нисбатан имтиёзлар назарда тутилган, балки товарлар (ишлар ва хизматлар) ишлаб чиқариш бўйича уларга буюртма берадиган корхоналарга ҳам ёнгиллик яратилган. Масалан, бундай корхоналар жорий йилнинг 1 февралидан бошлаб беш йил муддатга, меҳнат шартномаси асосида касаначиларга туланидиган маблағларга тенг миқдорда, меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўловни тўлашдан озод қилиниши ҳамда меҳнат шартномасига кўра буюртма бераётган корхона томонидан касаначиларга ишларни бажариш мақсадида текин фойдаланишга берилган асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва инвентарлар улардан фойдаланиш даврида мулк солиғидан озод қилиниши белгилаб қўйилди. Берилган бундай имтиёзлар, ўз навбатида, касаначилар билан шартнома асосида ишлаб чиқаришни амалга ошираётган сананоат корхоналари учун рағбатлантириш ҳамдир.

Рағбатлантиришда корхоналар учун, аввало, иқтисодий манфаат ётади. Яъни, улар ўз фаолиятини амалга ошириш учун касаначи билан меҳнат шартномаси тузадиган бўлса, юқорида назарда тутилган имтиёзларга эга бўлади, имтиёзлар орқали тежай қолган суммани ўз фаолиятини ривожлантиришга сарф қилиши, паст рентабелли ва кўп меҳнат сарфи талаб қилнадиган махсулотларни ишлаб чиқариш жараёнига кетадиган вақтни, асосийи, унга сарфланидиган маблағларни тежайи, натижада махсулот таннарихини пасайтиришга эришиши мумкин.

Шу ўринда, кегачи касаначилик

фаолияти билан бугунги касаначилик фаолияти ўртасидаги фарқ хўсусида ҳам икки оғиз айтиш ўтиш жоиз. Авваллари Ўзбекистон Республикасида касаначиликни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низом мавжуд эди. Ана шу Низомга мувофиқ, иш бевурачи билан касаначи меҳнат шартномаси бўйича фаолият кўрсатиши, аҳолининг қайси қатламлари касаначилик билан шуғулланиши мумкинлиги, унга ҳақ тўлаш тартиблари назарда тутилган. Аммо унда яқинда қабул қилинган Президент Фармони ва ҳўкумат қароридан белгилаб берилган имтиёзлар, рағбатлантиришлар мавжуд эмасди.

Таъкидлаш керакки, агарда фуқаролар юқорида кўрсатиб ўтилган фаолиятни яқка тартибдаги тадбиркор сифатида амалга оширмоқчи бўлсалар, қуйидагиларни бажариши лозим:

Яқка тартибдаги тадбиркор, аввало, ўз фаолиятини бошлашдан олдин қўнунчиликда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиши шарт; бундай фаолият тури билан шуғулланиш учун яқка ўзлари фаолият юритишлари лозим (касаначи эса ўз фаолиятини амалга ошириш учун оиласидаги қишлоқлари ҳам жалб қилиши мумкин); яқка тартибдаги тадбиркор махсулотлар ишлаб чиқариш, хизматлар бажариши билан ўз турар-жойида шуғулланидиган бўлса, ушбу жойни яшаш учун мўлжалланмаган жой тоифасига ўтказиши шарт; энг муҳими, яқка тартибдаги тадбиркор қатъий белгиланган солиқларни тўлайди, шунингдек, у назорат қилувчи органлар томонидан қўнунчиликда белгиланган вақтда ва тартибда тежирилади.

Президент Фармони ва ҳўкумат қарори билан тегишли вазирлик, идораларга ҳам 2006-2007 йиллар ва кейинги йилларга мўлжалланган аҳолини иш билан таъминлаш, тадбиркорлик ва рақобатни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш ҳудудий дастурларида касаначилик меҳнатини ривожлантиришга доир чора-тадбирларни назарда тутиши бўйича тегишли топшириқлар берилган.

Ана шу ҳўжжат ҳаётга кенг татбиқ этилса, бу оилавий пудратни ривожлантириш, фуқароларга вақтдан унмulli фойдаланиш, шу билан бирга, паст рентабелли ва кўп меҳнат сарфи талаб қилнадиган махсулотларнинг айрим турларини ўзлаштириш имконини беради. Қолаверса, йирик корхоналарнинг иш самардорлигини ошириш билан бир қаторда мамлакат иқтисодийетини ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшади.

Фармон ва қарорнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, касаначиликни ривожлантириш орқали еқадолларимиздан мерос бўлиб келаятган, йўқолиб кетиши арафасида бўлган хўнармандчиликнинг айрим турларини — косибчилик, зардўзлик, дўппидўзлик, дурадгорлик, темирчилик ва ҳўказоларни сақлаб қолишимиз ва уларни келтириб авлодларга етказишимиз, қисқаси, анъаналаримиз ва урф-одатларимизни янада такомиллаштиришимизга ёрдам беради.

**Бўришот МУСТАФОВЕВ,** Ўзбекистон Республикаси адлия вазири.

«Маънавият ва маърифат» маркази Жиззах вилоят бўлимида Ўзбекистон «Фидокорлар» МДП вилоят кенгаши томонидан республика Президенти Ислам Каримовнинг Конституциямизнинг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Инсон, унинг ҳўқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари — энг олий қадрият» мавзусидаги маърузаси юзасидан партия фаоллари, аъзолари олдига турган вазифаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

## Азалий қадриятлар ҳақида суҳбат

Йиғилиш катнашчилари «Фидокорлар» Миллий демократик партияси марказий кенгаши аъзоси, Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт ишлари кўмитаси раиси Азамат Зиёнинг «Ўзбекистонда демократик ислохотлар ва ёшлар сиёсати», Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси депутати А. Маматовнинг «Саховатпешалик — ўзбек халқининг олижа-

ноблик ва йнсонийлик фазилатлари» мавзусидаги чиқишларини тингладилар. Музокараларда сўзга чиққанлар мамлакатимиздаги демократик жараёнлар ҳақида гапирди.

Партия фаоллари Хомийлар ва шифокорлар йилининг мазмун ва моҳияти ҳақида гапиршаркан, қабул қилинажак дастур юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

«Қор ёғди-ю, нар ёғди Ризқ-рўз деган зар ёғди. Даврон АҲМАД олган сурат.

«Маънавият ва маърифат» маркази Жиззах вилоят бўлимида Ўзбекистон «Фидокорлар» МДП вилоят кенгаши томонидан республика Президенти Ислам Каримовнинг Конституциямизнинг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Инсон, унинг ҳўқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари — энг олий қадрият» мавзусидаги маърузаси юзасидан партия фаоллари, аъзолари олдига турган вазифаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

## ВОДИЙГА ПОЕЗДАДА БОРИНГ

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси мамлакатимизда пойтахти билан Фарғона водийси ўртасида «Тошкент-Андижон-Тошкент» йўловчи поездининг қатновини мунтазам йўлга қўйди.

Компания матбуот хизматидан ЎЗА мухбирига маълум қилишларича, Марғилон орқали қатновчи 659-660-йўловчи поезди ҳар кун соат 18.20 да Тошкентдан водийга жўнаб, соат 11.05 да Андижонга етиб боради. Андижондан шу кун соат 16.45 да йўлга чиққан поезд эса Тошкентга соат 9.20 да кириб келади.

Яқиндагина капитал таъмирдан чиқарилган Тошкент темир йўл вокзалида замонавий кўтиш залларининг эшиклари йўловчиларга очик. Мунтазам катнаётган поезд вагонларида сафар учун барча шарт шўжайё. Қайноқ чой, қавҳа, шинам купелар, малакали вагон хизматчиларининг йўловчилар хизматида шай турини учун «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси жамоаси барча имкониятни ишга солмоқда. Поезд бир вақтинг ўзида 900 нафаргача йўловчи сифатли хизмат кўрсатади.

**Н. ОЧИЛОВ,** ЎЗА мухбири.


**Шов-шувли кашфиёт**

Ульянов давлат университети олимлари илм олимпиада катта шов-шувга сабаб бўладиган кашфиёт қилдилар. Улар кўринмайдиган предмет яратдилар. Россиялик олимлар бунинг устида узок йиллар тадқиқот олиб бордилар. Фақат бу предмет жонсиз жисмларнинг кўринмайдиган ҳолатга келтира олади.

Олимларнинг «Интерфакс» ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида таъкидланишича, ушбу кашфиёт тез орада сеҳрли қалпоқча яратиш имконини беради.

**Таклиф қўббатланмоқда**

АҚШ Президенти Жорж Буш Эроннинг ядро дастури билан боғлиқ юзага келган зиддиятдан чиқиб кетишда расмий Кремль томони-



дан илгари сурилган таклифни қўлаб-қувватлади. У уранин бойитиш ишлари Россия ҳудудида олиб борилиб, кейин МАГАТЭ экспертлари қузатувида Эронга келтирилиши тўғрисидаги таклифга рози эканлигини билдирди.

Бунга жавобан расмий Техрон мазкур таклифни кучга киритишдан олдин кўшимча музокаралар ўтказиш лозимлигини маълум қилди. Ўз навбатида расмий Пекин ҳам Россия таклифини ёқлаб чиқди.



**Бош вазир ўз сўзида собит**

Яқинда Канада бош вазирининг эггалган Стивен Харпер расмий Вашингтоннинг норозилигига қарамай, Арктикага ҳарбий кемаларини жўнатиш режаси билан чиқди. Чунки сайловли кампанияларда Консерваторлар партиясига етакчилик қилган Харпер мамлакат шимолидаги сувли ҳудудни химоя қилишга ваъда берган эди.

Уилкинс бош вазирнинг ташаббуси қўлаб-қувватлаётган норозилик уйғотишини таъкидлади. АҚШ тарафи канадаликлар даъво қилаётган ҳудуд халқаро сув йўли, ҳеч бир давлатга тегишли эмаслигини билдирди. Уилкинснинг фикрича, Канада ҳукуматининг бу масалада тутган йўли ортиқча муаммо чикаради, холос.

«АҚШ ўз суверенитетини, Канада ҳам ўз мустақиллигини химоя қилаяпти. Менга Канада халқи ишонч билдирган, АҚШ элчиси эмас», дея қатъий жавоб қайтарди Харпер элчининг гапига қарши.



**ОЛАМ НАФАСИ**

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

**ХАМАСнинг кутилмаган Ғалабаси**

Хабарингиз бор, ўтган чоршанба кuni Фаластин Мухториятида парламент сайловлари бўлиб ўтди. Кеча мазкур сайловнинг дастлабки натижалари эълон қилинди. Унга кўра ХАМАС ҳарбийлашган ташкилоти 132 та ўриндан 76 тасини эггалган. Бу маълумот эълон қилингандан сўнг Исроил ҳукуматининг расмий вакили чиқиш қилиб, агар ХАМАС вакиллари тўлиқ ғалабага эришадиган бўлса, расмий Тель-Авив Фаластин ҳукумати билан ҳисоблашиб ўтирмайди, деди.



Эндилдикда Фаластин Мухторияти раҳбари Махмуд Аббос ХАМАС раҳбарияти билан келишган ҳолда янги ҳукуматни шакллантириши ва бош вазирини тайинлаши лозим. ХАМАС етакчилари тўлиқ ғалабага эришганига ишонч ҳосил қилгандан сўнг мухториятдаги бошқа сиёсий кучлар, жумладан, Махмуд Аббос раҳбарлигидаги ФАТХ билан ҳам музокаралар олиб боришга тайёр эканлигини билдирди.

Есир Арафот даврида тузилган ва шу пайтга қадар мухториятнинг бошқариб келётган ФАТХ вакиллари ўзларининг муҳолифлари деб билган ХАМАС билан биргаликда янги ҳукумат таркибига киришдан бош тортишмоқда. Хусусан, амалдаги бош вазир Аҳмад Курей кеча истеъфода чиққанлиги-

ни маълум қилди. Халқаро кузатувчиларнинг қайд этишича, мухторият ҳукуматига ҳарбийлашган радикал гуруҳнинг келиши Исроил билан тикланган тинчлик йўлидаги музокараларга жиддий салбий таъсир кўрсатади.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш жоизки, АҚШ ва Европа Иттифоқи ХАМАС гуруҳини террорчи ташкилотлар рўйхатига киритган. Ўтган йиллар давомида ХАМАС кучлари Исроил ҳудудига бир неча бор ҳужумлар уюштирди, ўнлаб портлашлар содир этди.

Исроил Бош вазирини вази-фасини вақтинчалик бажарётган Эхуд Ольмерт яқиндаги давлатини ўз душмани деб билган ҳар қандай террорчи ташкилот билан музокаралар ўтказмаслигини

расман маълум қилди. АҚШ Президенти Жорж Буш мабодо ХАМАС Исроил манфатларига зид мақсадидан воз кечмас, у тан олинмаслигини билдирди.

Рамаллох шаҳрида ХАМАС ва ФАТХ тарафдорлари ўртасида тўқнашув бўлиб ўтди. Маълумотларга қараганда, тўқнашув пайтида бир неча ўнлаб одам жароҳатланган.

ХАМАС асосчиларидан бири Махмуд Захар «Би-Би-Си» мухбирига берган интервьюсида шундай деди: «Исроил бизнинг халқимизга қарши зуравонлик қилишда давом этар экан, биз бунинг олдини олиш учун ўзимизнинг самарали муҳофаза тизимимизни қўллаётимиз».

Юнус БУРОНОВ.

Электр узатиш тармоғида юзага келган ҳалокат туфайли айни киши чилласида бутун Грузияда энергетика инкирози юзага келди.

**Грузияда энергетика тангалуғи**

Давосда бўлиб ўтаётган Бутунжаҳон иқтисодий форумида қатнашган мамлакат президенти Михаил Саакашвили мuddатидан олдин Тбилисига қайтиб келди. Манбаларда айтилишича, мамлакат пойтахтидаги ақсарият мавзела электр энергиясиз қолди.

Бунинг устига Россиядан келётган газ ҳам тўрт-беш кундан буён тўхтаган. Бахтга қарши, Россия-Грузия газ қувурини ремонт қилиш чўзилиб кетди. Бу масалада мамлакат бош вазир Зураб Ногаидели Россия ҳукуматини айб-ламоқда.

«Газпром» вакили бунга жавобан киши фаслининг ҳаддан ташқари совуқ келиши газ қувурларини таъмирлаш ишларига халақит бераётганлигини маълум қилди.

**Самолёт**

**қулаб тушди**

Жанубий Корея Ҳарбий ҳаво кучларига тегишли Ф-16С қирувчи самолёти мамлакат марказида жойлашган Чонжу шаҳрига қулаб тушди. Бироқ учувчи соғомон қолди. Манбада айтилишича, ҳарбий учувчи озгина жароҳат олган, холос.

«ИТАР-ТАСС» ахборот агентлигининг хабар беришича, авиаҳалокат аҳолига зарар келтирмаган. Ҳалокат сабаблари маълум бўлгунга қадар мамлакат ҳарбий ҳаво кучлари кўмондонлиги Америкада ишлаб чиқарилган Ф-16 самолётларининг ҳавога кўтарилишини тақиқлаб қўйди.

**Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!**

**НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚЎЙДАГИ СПОРТ ИНШООТЛАРИГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

№	Объект номи	Объектнинг нархи ҚҚС билан сўмда	Қурилишни яқунлаш мuddати
1.	ЛОТ-1. Наманган вилояти, Наманган ш. Хива кўчасидаги 18-сонли мактаб спорт залини тайёр ҳолда қуриш.	117 999 228	2006 йил 1 август
2.	Блок-2 ЛОТ-2 Наманган вилояти, Уйчи тумани, Ёрқатай қишлоғидаги 16-сонли мактаб спорт залини тайёр ҳолда қуриш.	122 719 446	2006 йил 20 июль
3.	ЛОТ-1. Наманган вилояти, Норин тумани, Шуғриқ қишлоғидаги 16-сонли мактаб спорт залини тайёр ҳолда қуриш.	119 904 206	2006 йил 1 июль
4.	Блок-3 ЛОТ-2 Наманган вилояти, Янгиқурғон тумани, Нанай қишлоғидаги 44-сонли мактаб спорт залини тайёр ҳолда қуриш.	122 644 908	2006 йил 1 август
5.	ЛОТ-1. Наманган вилояти, Наманган тумани, Оруз қишлоғидаги 41-сонли мактаб спорт залини тайёр ҳолда қуриш.	78 063 569	2006 йил 10 июль
6.	Блок-4 ЛОТ-2. Наманган вилояти, Тўрақурғон тумани, Қумидон қишлоғидаги 51-сонли мактаб спорт залини тайёр ҳолда қуриш.	78 304 000	2006 йил 10 июль
7.	Наманган вилоят, Наманган тумани, «Зарбдор» ширкат ҳўжалигидаги мавжуд клуб биносини қайта таъмирлаб болалар спорт мажмуасига мослаштириш	60 478 932	2006 йил 1 август
8.	Наманган вилоят, Поп тумани, Уйғур ҚФЙ, Янгиер қишлоғидаги 41-сонли мактабга (5 тип) болалар спорт мажмуасини тайёр ҳолда қуриш	174 580 628	2006 йил 1 август

Қурилиш ишлари Республика болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Буюртмачи — Наманган шаҳри, А.Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи» инжиниринг компанияси. Телефонлар: (8-3692) 26-63-03, 33-77-06.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қўйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоиз миқдоридида айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт. Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотини — Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилояти консалтинг марказига қўйидаги манзилга:

Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи, 4-қават), иш кунлари соат 10.00дан 17.00гача мурожаат қилиш мумкин. Тел./факс: (8-3692) 26-14-50, 26-47-91.

**Матбуот ҳужжатлари билан АОНМ тайинлаши нархи — 50 000 сўм.**

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотини томонидан юқоридидаги манзилда қабул қилинади. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотини томонидан тақдим этишнинг охири мuddати — оферталар очилиш кунини ва соати. Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қўйидаги манзилда ўтказилади. Наманган шаҳри, А.Темур кўчаси, 105-уйда.

**ҚАДИМИЙ ИЛМ ДАРГОҲИ**



Ўзбекистон Фанлар академиясида Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 1997 йил 11 ноябрдаги Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисидаги Фармонига биноан Хивада Ўзбекистон Фанлар академиясининг минтақавий бўлими сифатида Маъмун академияси иш бошлагани шундай эзгу ишлар сирасидандир.

Вазирлар Маҳкамасининг Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарори ва мазкур юбилей ЮНЕСКО шафелигида ўтиши эса буюк аждодларимиз яратиб қолдирган бой ва бебаҳо илмий меросни янада кенг ўрганиш ва келгуси авлодларга етказишда муҳим омили бўлаётди. Бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш мақсадида 2005 йил 1 ноябрда Вазирлар Маҳкамасининг Хоразм Маъмун академиясини фаолиятини тақомиллаштириш ва унинг 1000 йиллигини нишонлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори ҳам қабул қилинди.

Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот муассасала-

рида бу борада кенг қўламли илмий-тадқиқот ишлари давом этапти. Шарқшунос, тарихшунос, тилшунос ва адабиётшунос олимларимиз Хоразм Маъмун академиясида фаолият юритган алломаларнинг ҳаёти, ижоди ва илмий фаолиятини ҳар томонлама чуқур ўрганаётимиз. Изланишлар натижаси ўларок, бир қанча илмий рисолалар чоп этилди. Махсус монография тайёрланди. Хоразм Маъмун академиясининг ўтмиши ва бугуни акс этган ҳужжатли фильм суратга олинмоқда. Тошкент Халқаро Вестминстер университети олимлари ва ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ушбу мавзудаги маълумотлар жамланган мультимедия наشري яратилмоқда. Анжуманда Хоразм Маъмун академиясининг шаклланиш жараёни, унда фаолият юритган алломаларнинг илмий ва ижодий фаолияти ҳамда улар қолдирган илмий меросни ўрганишга оид маърузалар тингланди.

Б.ХИДИРОВА, Ўза А мухбири.

Самарқанд вилоятининг Пастдаргом туманидаги «Нафосат» кўп тармоқли ишлаб чиқариш корхонасида янги турдаги маҳсулот — иккиламчи хомшўдан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

**«Нафосат»нинг янги буюмлари**

Ҳозирга қадар қурилиш ашёлари, мебель, уй-рўзгор буюмлари тайёрлаш билан машғул бўлган корхона фаолиятининг кенгайтириш биринчи гада янги иш ўринлари яратишга имкон туғдирди. Эндилдикда маҳаллий тадбиркорлар Россия билан қўша корхона ташкил этиш ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг 30-40 фоизини МДХ мамлакатлари а экспорт қилишни режалаштиришяпти.

А.САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

**Чикиндан маҳсулот**

Жиззах вилоятининг Дўстлик туманидаги «Дўстлик толаси» масъулияти чекланган жамиятида пахта ни тазалаш жараёнида чиқадиган чиқиндилар илгари ташлаб юбориларди. Яқинда бу чиқиндидан толани тойлашда ишлатиладиган мато ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу иш учун шу пайтгача фойдаланилмаётган ётган бинодан алоҳида хона ажратилиб, тўқув жихозлари ўрнатилди. Янги цех ўттизга яқин қўшимча иш ўринлари очиш имконини бери.

Бахриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

**«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАТК ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**


2006 йил АСПИРАНТУРАДА Кундузги шаклда ўқиш учун қўйидаги йўналишлар бўйича қўшимча қабул эълон қилади:

- 01.02.04 — Деформацияланувчи қаттиқ жисм механикаси
- 01.02.06 — Машиналар, приборлар ва ускуналар динамикаси ва мустаҳкамлиги
- 03.00.16 — Экология (тармоқлар бўйича)
- 05.02.01 — Машинасозликда материалшунослик (тармоқлар бўйича)
- 05.03.06 — Пайвандчилик технологияси ва машиналари
- 05.05.01 — Локомотивлар (электровозлар, тепловозлар) ва вагонлар
- 05.13.05 — Ҳисоблаш техникаси ва бошқарув тизимларининг элементлари ва қурилмалари
- 05.22.07 — Темир йўлларнинг ҳаракатдаги таркиблари ва поездларни юритиш
- 05.22.08 — Темир йўл транспортини ишлатиш (жумладан сигнал, марказлаштириш ва муҳофаза тизимлари)
- 05.23.04 — Сув таъминоти, каналлизация, сув ҳавзаларини муҳофазалаш учун қурилиш тизимлари
- 05.23.05 — Қурилиш материаллари ва буюмлари
- 05.23.13 — Темир йўллар қурилиши
- 05.23.15 — Кўприклар ва транспорт тоннеллари

ҲУҶЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ МУDDАТИ 2006 ЙИЛ 11 ФЕВРАЛГА ҚАДАР УЗАЙТИРИЛАДИ.


Маълумот учун қўйидаги манзилга мурожаат қилинг:

700167, Тошкент шаҳри, Одилахўжа кўчаси, 1-уй, ТошТБИ, 335-хона. Телефонлар: 199-05-25, 199-05-65.




**ДЛЯ УСПЕШНОЙ РАБОТЫ В КОМАНДЕ ПРОФЕССИОНАЛОВ.**

Повысьте эффективность работы всей команды в соответствии с требованиями Вашего бизнеса. Используйте лазерные принтеры HP LaserJet со встроенным сетевым интерфейсом вместе с проверенными технологиями HP, которые повысят доступность и обеспечат высокую скорость печати, а также профессиональное качество документов для всей рабочей команды. Сделайте свой выбор из широкого модельного ряда сетевых лазерных принтеров HP LaserJet.



HP LASERJET 1022N/NW

- Скорость печати - до 18 стр./мин. (A4)
- Выход первой страницы за 8 сек. как при «горячем», так и при «холодном» старте
- Качество печати - 1200 x 1200 т/д при использовании технологии HP FastRes
- Поддержка HP PCL 5e
- Порт Hi-Speed USB 2.0
- Нагрузка - до 8000 страниц в месяц
- Порт для сетей Ethernet 10/100Base-TX в модели с индексом "n"
- Порт для сетей Ethernet 10/100Base-TX или средство для работы в беспроводных сетях стандарта 802.11b/g в модели с индексом "nw"
- Режим экономии тонера - до 50%



HP LASERJET 1320N/NW/TN

- Скорость печати - до 21 стр./мин. (A4)
- Выход первой страницы - менее 8 секунд
- Качество печати 1200 x 1200 т/д
- Память 16 МБ, максимум 144 МБ
- Адаптивная подача бумаги на 250 листов, адаптивная подача на 1 лист
- Параллельный порт, порт USB (совместим со спецификациями USB 2.0)
- Встроенный сервер печати HP Jetdirect для Fast Ethernet в моделях с индексом "n"
- Нагрузка до 10 000 страниц в месяц

Звоните сейчас, чтобы узнать больше!

Тел. 132 26 62.

www.hp.ru



©2006 Hewlett-Packard Development Company, LP. Все права защищены.

20060209

Тошкент Молия институтини қўшидаги «Молия академик лицейи» маъмурияти лицейнинг кафедра мудири Умида Атабаевага падари бузруквори АФЗМ отанинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Тошкент Кимё-технология институтини жамоаси Ходимлар бўлими бошлиғи Раиса Шаббаевага онаси Александр ЧАСОВСКАЯнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

# «Пўлат Мўминнинг олтин кўли»



**Атоқли болалар шоири Пўлат Мўмин болалар дунёсида олтин йилдан ортиқроқ куйиб-ёниб ижод қилди, олтиндан олтин кўлма-кўл бўлиб ўқилувчи китоблар ёзди. Унинг яратган шеърлари, достонлари, драматик асарлари авлоддан авлодга ўтиб, севилиб ўқилди. Усиб келатган ёшларнинг маънавий дунёси, руҳий оламнинг шаклланишида беқиёс хизмат қилди. Мен бу нозиктаб шoir, ўзига хос истеъдод эгаси билан салкам қирқ йил ҳамқору ҳамнафас бўлиб ишладим.**

1977 йили Пўлат Мўминнинг «Олтин олтин кўл» номли шеър асари босилган бўлди. 66 кассета билан бир жойда учрашиб, ҳар бири ўз касбини улуғлайди, мактабда, фахрланади. Боғдоннинг касбим улуг, оламни ширин-шакар меваларга тўлдирман деса, қурувчи йўқ, менинг касбим улуг, инсонларга чиройли уйлар, иморатлар қуриб берман, дейди. Чўпон ҳар икковини тўхтатиб, йўқ, йўқ, гап навбатини менга беринг, дунёда чўпонликдан улугроқ касб йўқ, дейди. Хуллас, бахслар бир-бирдан гўзал, бир-бирдан ихчам, бир-бирдан ширалли шеърлар билан давом этади. Мавзу беҳад даражада долзарб эди. Шунинг учун «Олтин олтин кўл»ни зудлик билан chop этишга қарор қилдик. Табиийки,

китоб юзага келгунча кўлэма бир неча бор кўлдан кўлга ўтади. Кўпинча китобнинг номини қисқартириб ҳам айтишаверади. Шундай қилиб Пўлат Мўминнинг «Олтин олтин кўл» китоби оғиздан-оғизга «Пўлат Мўминнинг олтин кўли» номи билан ўтаверган. Шундай кўп такрорланганки, бора-бора ноширлар китобнинг асл номини унутиб, унга «Пўлат Мўминнинг олтин кўли» деб ном бериб қўйишган. Хатто китобга сурат ишлаган расм ҳам бунга эътибор бермаган. Китоб ниҳоят Янгийўл босмахонасида босилиб чиққан. Бундай қарашса, китобнинг асл номи «Олтин олтин олтин кўл» бўлиш ўрнига, «Пўлат Мўминнинг олтин кўли» билан эълон қилинган.

Хайрият, китоб кўп нусхада босилмаган экан. Хато тезгина тузатилди. Мавзу долзарб бўлгани учун бир йил давомда ушбу китоб уч бора нашр қилинди. Кейинчалик ташвиш билан бошланган ба асар Пўлат Мўмин

**Ўқитувчилик ўргатиш демак, ўргатиш учун ўргатиш керак. Гул очилганда гектар ва гектар, Болари ундан алар-да нектар, — Сўнг уясига келтиради бол. Ўқитувчи ҳам буна бир мисол. Билим болни йнғовлиб мен ҳам Болалар билан қўраман баҳам. Чуқур бўлсин деб дарсим мазмуни Мактабга боршдан олдин ҳар кунни,**

**Қаранг, ўзим ҳам ўрганман дарс. Ўқитувчиға бу фарз ва қарз. Мен ҳам бу касбини юракдан севадим. Унинг фахри-ю, қўлматини севдим. Ўқитганларим ҳар бир соҳада: Завод, фабрикада, дала, воҳада... Биттаси олим, ошан ўзимдан, Баъзи бирлари юрак измидан. Ҳар бир шоғирдим берганда салом, Ҳурмат-иззатдан оламан ором. Қаранг, зўр қувонч қуриш ш маҳал, Устоз кўзимға кўринар ҳар гал. Шоғирдик ўшар эстафетаға, Бугунги шоғирд, устоз эртаға. Улуғ истагим шундайдир ҳолоғ: Ҳар бир ўқувчим бўлалсин устоз.**

# Алла

Қадим-қадим замонларда баланд-баланд қорли тоғлар ортидаман, яшил япроқлари ҳамма шовуллаб турадиган қалин-қалин ўрмонлар ичидаман, ям-яшил ўтлар билан қопланган ялловлардаман, поёнсиз чўллар ортидаги катта-кичик қишлоқлардаман ҳамма галати-галати воқеалар бўлиб тураркан.

Юрта бошланган очарчилик ана шу қишлоқлардан бирига ҳам етиб келибди. Шунангидеки қаттиқ очарчилик бўлибдики, одамлар еярга ҳеч нарса тополмаганидан ажриқнинг томирини қайнатиб ичишибди, шолнинг тўпонидан нон ёпиб ёйишибди. Тинкаси қуриган одамлар бирин-кетин омонатини топшира бошлабди. Худонинг марҳамати билан қишлоққа дон билан савдо қиладиган бир аллоф келиб қолди. Пули бор пулига, пули йўқ молига дон сотиб ола бошлабди. Бу қишлоқда бир хароб оила бор экан, отаси оламдан ўтиб, майиброқ она беш боласи билан қолган экан. Она беҳол экан, ўрнидан туролмас экан. Беш боласи баравардан «нон бер», деб ймлар экан. Оиланинг катта қизи эндигина 16 ёшга кирган экан, укаларига ўша қараб тураркан. Қизгина бир мис чойнагу, тўрттагина чинни қосани олиб бир қолғина бўлса ҳам ё бугдойга, ё унга алмаштириб беринг, дея савдогарга мурожаат қилибди. Мурожаат қилаётганда бир шамол келиб қизнинг юзидagi ҳарир рўмолини учириб ерга туширибди. Савдогар йигит қизнинг гул юзига қўзи тушиши билан бир даққа додвираб қолди. Яна бир шамол тури-

ғи алла айтмабди, алла айтмай катта қилибди. Ниҳоят, йиллар ўтиб, қариб, буви ҳам бўлибди. Қўша-қўша набиралар қурибди. Бир кун яхши кўрган набирасини тиззасига олиб, тўлғониб, қўқалиб алла айта бошлабди. Онаизорининг сўнгги сўзини бутунлай унутиб, онаси айтган алла сўзларини ёдида сақлаб қолган экан, ана ўшаларни такрорлаб, оғир, гамгин оҳангда қўйлаб бошлабди. Қўйлар эмиш, йиғлар эмиш. Куй оҳанги қалбидagi соғинч хисларини тўлқинлантириб юборибди. Мажруҳ онаси, орқасидан йиғлаб қолган укалари кўз ўнгидан ўта бошлабди. Куй авжига чиққан сари бирга ўйнаб катта бўлган дугоналари, анҳорларда бир-бирларига сув сочиб чўмилганлари, ҳовиллари ортидаги кенг яйловда гуркираб ўсадиган ўт-уланлар, қишлоғидagi тор кўчалари, соя-салқин м а й д о н л а р, тўйларга боргани, раҳматли дадаси тирикчилигида, ёлкасига миниб болзорга боргани, дадажониси попули зар дўппи олиб бергани эсига тушибди.

Куй гоҳ кучайиб, гоҳ пасайиб борармиш. Куй сеҳрига махлиб бўлган она дод солиб ҳовлига чиқиб кетиб, «кетаман», қишлоғимга кетаман», деб фарёд солибди.

Бошқа набирасини овутириб ўтирган бобо гап ни мадаллигини тушуниб, кампирини юпатибди. Она алласида, унинг гоҳ қувончли, гоҳ гамгин тўлқинларида инсоннинг бутун борлиғи, руҳий дунёси акс этишини тушунибди. «Онанг алла айтсанг, мени ташлаб кетиб қолшингдан қўрққан экан. Юр, кеч бўлса ҳам она юртинга бориб, болалигинг билан қайта қўришиб келайлик», деб тўяларга дон-дун, совға-саломлар ортиб йўлга тушибдилар.

Масжид имоми яхши ният қилибди, муборак ҳаж сафарига тайёргарлик қўра бошлабди. Йўлқирага маблағ йиғибди, ҳаж сафарига муносиб бўладиган кийим-беш ҳозирлабди. Жўнаш олдиндан ёру дусларини йиғиб хайрлашмоқчи ҳам бўлибди. Лекин онаизорига сирини ошкор қилмабди, маслаҳат ҳам солмабди, жўнайдиған фурсат яқинлашганда онаси, «Жон ўғлим, мен, мана кўриб турибсан, қариб қолдим. Бугун бор, эртага йўқман. Мени ҳам ўзинг билан ола кетгин, кўзим тиркилигида мен ҳам мусулмончиликнинг яна бир фарзини ўтаб келай», деб ёлворибди.

«Онажон, — дебди имом, — йиққан маблағим ўзимга аранг этади. Ҳаж сафарига бормасам бўлмайди. Мен имомман, имом бўлганда, ҳажга бориб келганлар менинг орқамда номоз ўқишлари-га чидаммайман. Олдин мен бориб келай, кейин Сизга ҳам бир иложини топармиз», дебди.

Она яна ёлвориб, «жон ўғлим, ўзим ҳам анчагина маблағ йиғиб қўйганман, озгина қўшсанг, йўл харajatларига бемалол этади», дебди.

Имом «Сизни кейин олиб бораман», дея йўлга отланиб, чиқиб кетибди. Йўл

# Она ҳақида ривоятлар

Она яна ёлвориб, «жон ўғлим, ўзим ҳам анчагина маблағ йиғиб қўйганман, озгина қўшсанг, йўл харajatларига бемалол этади», дебди.

Имом «Сизни кейин олиб бораман», дея йўлга отланиб, чиқиб кетибди. Йўл

шаётган экан. Имом бундай қараса, иш анча мураккаб, ўғри деб уни ўшлаб олишлари мумкин, қочмаса бўлмайди деганга ўхшайди. Халта-хуржунини аста елкасига осиб, орқа эшикдан ташқарига чиқибди, она қоча бошлабди.

Ўғрини ахтарётганлардан бирининг қўзи қочиб бораётган имомга тўшиб қолди. «Ана ўғри, ана қочиб кетаяпти» деб қичқириб юборибди. Кўлдан қуён қочиб қутулмас, деганлари рост экан, имом қанча югурмасин, бари-тиб кетибди.

«Мен ўғри эмасман» деганига ҳеч ким ишонмабди. Уни қозига олиб боришибди. Имомнинг халта-хуржунидagi нарсалар масжиддан ўғирланган нарсаларга жуда ўхшаб кетаркан. Ҳаммасини масжидга қайтариш, ўзини 100 дарра уришга фармон бўлибди.

Имом оч-яланғоч ҳолда қишлоғига қайтиб кетибди.

Ҳамқишлоқлари «Қари онасини рози қилмаган эди, «она рози — худо рози» деганлари рост экан-да» деган гапларни айтишибди.

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Аббосхон УСМОНОВ**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.  
Буюртма Г — 359. 34270 нусхада босилди.  
ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;  
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерда терилди ва операторлар Жамшед Тоғев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Тахриратда ҳажми 5 қўғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

Тижорат материал

МАНЗИЛИМИЗ:  
700000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — А. Орпов.  
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.  
Навбатчи — М. Жонихонов.  
Мусаҳҳаб — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА уқуни — 22.45 Топширилди — 22.50 2 3 4 5 6



# Мақолларнинг маъносини биласизми?

**Анқов бўлган кишининг, мазаси йўқ ишининг.**  
Бу мақолда анқов, яқов, оварс одамлар устидан қулинади. Вариант: «Анқов англамас, ҳанги тингламас», «Анқов остидаги отини олти ой излабди», «Анқовга қирғовул қайда?», «Ер юзини баҳмал олса ҳам, анқовга такялик тегмайди» (такя - ёстик), «Анқов, анқовнинг ўртоғи яқов», «Яқов билан анқов — душман учун ўнғай ов», «Касалга даво топилса ҳам, анқовга даво топилмас», «Ўта оварс — бўйига ўсар», «Бир шалтоқнинг ишини йиғирма эпчил эплай олмас», «Тентақнинг ишини тангри ўнгалсин».

**Ари қақди деб аразлама, боли бор.**  
Бу билан: «Кундалик муомалада бўлиб турадиган одамнинг мабодо сенга бирор аччиқ сўз айтиб қолса ёки бирор ёмонлик қилиб кетса, бунинг учун аразлаб, ундан бутунлай юз ўгириб кетма. Бугун аччиқ сўз айтган бўлса, эртага ширин сўз ҳам айтар, бугун ёмонлиги теккан бўлса, эртага яхшилиги ҳам тегиб қолар», деган маънода насихат қиладиган.

**Арслоннинг оғзидан ов олинмас**  
Ҳеч қандай куч арслоннинг оғзидagi овни ололмастлиги табиий. Ота-боболаримиз бу мақол билан фарзандларга: «Сен ҳам арслондек қўрқмас, ботир бўл, олгин-у олдирма!» деб уқтирганлар.

**Арғамчиға қил — қувват**  
Арқон фақат жундан қилинса, мўрт бўлади, салга узилиб кетади. Шунинг учун жунга озроқ қил (отнинг ёли ёки думидан) аразлаштириб эшадилар. Шу озгина қил ҳам арғамчининг пишиқ ва бақувват қилади. Маъжозий маъноси: «Кий-налиб, муҳтож бўлиб турган одамга озгина ёрдамлашиб юборсанг ҳам, унга анча қувват бахш этган бўлсан, у сенингу шу озгина ёрдамнинг билан ҳам ўзини ўнглаб олиши мумкин». Вариант: «Чанқоққа бир томчи ҳам — мадад».

# GURUNG

**Болаларга ҳар доим меҳр-муҳаббат ила муносабатда бўлиш халқимизга хос хислат. Шу боис «GURUNG»нинг бу галги саҳифаси болажонларга бағишланади.**

**Баъзи кишилар кўпол, дағал сўзларкан, баъзи кишилар худди шу фикрни ёқимли сўзлар билан ифодаларкан.**

Шаҳаншоҳ бир кун и аёёнларини тўплаб, чиройли сўз айтиш баҳсини ўтказибди. Тортишув авжига чиқибди. Навбат етган бир аёён:

— Ёмонлик қилманг, ёмонлик кетидан ёмонлик келади, — дебди.

Кўпчиликка бу фикр маъқул тушибди, қарсақлар чалинибди.

Навбат яна бир аёёнга етибди.

— Яхшилик қилинг, я-

**Чиройли сўзнинг хислатлари**

— Муқофот сўнгги аёёнга берилсин, — деб фармон олий берибди шаҳаншоҳ.

\*\*\*

Тоғ ён бағрида яшайдиган бир йигит айқиниб мажруҳ боласини ўшлаб олиб, парвариишлар экан. Унинг аёли бир кун: «Дадаси, бу сассигингизни қачон йўқотасиз?» деб бақирибди. Айик бу гапни эшитиб турган экан. Утинхонадан бол-

тани олиб, аёлга яқинлашибди. «Мана шу болта билан менинг бошимга урасан, бўлмаса ҳозир сени дабдала қиламан» дебди. Қўриб кетган аёл ночор кўнибди. Айикнинг бошига болта билан урибди. Айик қонларини оқиза-оқиза тоққа жўнаб кетибди. Ойлар ўтиб, қайтиб келибди-да: «Ҳой аёл, мана, қарагин, болтадан еган ярам битди, аммо «сассиқ» деган сўзинг умрбод эсимдан чиқмайди, дил ярамга айланб қолди», дея бошини силаб, парвариишлаган йигитга қуллук қилиб, тоққа жўнаб кетибди.


# Билимдонлик синови

Тухум қўйиб, бола очиб, боласини суги билан боқувчи ҳайвон қайси?

А) Кенгур  
Б) Коала ва Панда  
В) Ехидна ва Ўрдақбурун  
Г) Енат

Қайси гул хитойликлар учун мусалф-фолик ва олиханоблик рамзи ҳисобланади?

А) Сакура  
Б) Нилуфар  
В) Бинафша  
Г) Оқ атиргул




Ягона қахрамонга эга бўлган, қулги ва ҳазилга асосланган адабий жанрни топинг.

А) Аския  
Б) Лапар  
В) Айтишув  
Г) Латифа

Одам исмлирининг келиб чиқиши, маънолари, шунингдек шахар, дарё, қўл каби географик номларни ўрганганидан фан соҳаси қайси?

А) Тарих  
Б) География  
В) Этнография  
Г) Этноастика



Саҳифани Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев тайёрлади.